



ISBN 978-9943-6834-4-0



9 789943 683440

Абдулла УЛУҒОВ

“ВАҚҒИЯ” – БУЮКЛИК ДАЛОЛАТНОМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

“ВАҚФИЯ” – БУЮКЛИК ДАЛОЛАТНОМАСИ

Монография



Тошкент-2020

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3(5Ў)

У 25

Улуғов, Абдулла

“Вақфия” – буюклик дарюлатномаси [Матн]: адабий-илмий нашр /
А.Улуғов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2020. – 168 б.

ISBN 978-9943-6834-4-0

“Вақфия” – навоиёна юксак услубда битилган асар. Сиз ушбу асардан улуғ шоирнинг беназир шахсияти, унинг мол-мулк, мансаб-мартабага барча замонларда кишиларга ибрат булгулик олижаноб муносабати – беҳисоб мол-мулки, бойлиги булгани ҳолда, шахсий эҳтиёжи учун оддий одамнинг маошидан ортиқ маблағ сарфлашдан истиҳола қилганини билиб оласиз. Бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилишингиз учун “Вақфия” матнини тақдим қиламиз.

Алишер Навоийнинг шахсига чуқур ҳурмат ва эҳтиром, унинг бебаҳо асарларига чинакам мафтунлик сабаб битилган мазкур монографияни “Вақфия”ни англаш, тушуниш йўлидаги оживона интилишимиз сифатида қабул қилишингиздан умидвормиз.

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Шухрат Сирожиддинов

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Баҳодир Каримов,

филология фанлари доктори, профессор

Абдимурод Тилавов,

филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлати ўзбек тили ва адабиёти университети кенгашининг 2020 йил 21 августдаги 1-қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6834-4-0

© А.Улуғов.
© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2020 й.

Алишер Навоий (1441–1501) “Вақфия” асарини хижрий 886 йил (мелодий 1481–1482 йил)да ёзган. Бу ҳақда унинг ўзи: “Юз шукурки, буқъалар мукаммал бўлди, / Вақфи бу ҳудудким, муфассал бўлди. / Секкиз юз эдию саксон олти тарих, / Вақфияси ул кунки, мусажжал бўлди” деган (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 14-том. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1998. – 234 б. – 202-бет). “Вақфия” ҳам шеърий, ҳам наср йўлида ёзилган. У наср билан бошланган. Бу йўлда ифодаланган мулоҳазалар матн “майдон”ида шеърий тарзда акс эттирилган фикрлардан бир неча марта кўп. Лекин матннинг насрда битилган ўринлари ҳам Алишер Навоий ижодига хос жарангдор мусикий оҳангда, юсак шоирона услубда ифодаланган. Алишер Навоийнинг мазкур асарида шеър йўлида ёзилган ўринлар жами 213 мисрани ташкил этади. Шундан 76 таси маснавий, 15 таси рубоий, 1 таси мисра. “Вақфия” кетма-кет келган тўртта рубоий билан яқунланган. Наср ва шеърда ёзилган мулоҳазаларнинг умумий мазмуни Алишер Навоийнинг “Вақфия”ни ёзгунга қадар кечган ҳаёти, дунёқараши, орзу-истаклари билан боғлиқ муҳим жиҳатларни ифодалайди. Ушбу асарида муаллиф ўзи учун яшаш дастури қилиб олган ҳаётгий ақидаларини баён этган.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Маҳбуб ул қулуб”, “Муншаот”, “Тарихи мулуки ажам”, “Мезон ул авзон”, “Муҳокамат ул луғатайн”, “Вақфия” асарлари наср ва назмда битилган. Улар орасида ҳажмига кўра энг каттаси “Насойим ул муҳаббат” бўлса, энг кичиги “Вақфия”дир. Улуғ шоирнинг ҳажман энг кичик асари ҳисобланган “Муножот” эса тўлиғича насрда битилган. Аниқроғи, ҳамд, наът ва муножот – “Илоҳи...” деб бошланадиган

Адабий-илмий нашр

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

“ВАҚФИЯ” – БУЮКЛИК ДАЛОЛАТНОМАСИ

Муҳаррир:

Нодира Эгамқулова

Техник муҳаррир:

Файзулла Азизов

Дизайнер:

Василий Берцев

Мусаҳҳиҳ:

Муқаддас Оқмаматова

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АІ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2020 йил 18 ноябрда берилди.

Босишга 2020 йил 07 декабрда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 “Pt Serif” гарнитурасида

офсет босма усулида офет қоғозида босилди.

5,25 шарт. б.т. 8,55 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 95-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

